

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

СИДАМЕТОВА ЗАЙНАБ ЭНВЕРОВНА

**«ФЛЕГМЕН» ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ЙИҒМАСИ АСОСИДА ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Сидаметова Зайнаб Энверовна

«Флегмен» тинчлантирувчи йиғмаси асосида дори воситаларини
ишлаб чиқиш ва стандартлаш. 3

Сидаметова Зайнаб Энверовна

Разработка и стандартизация лекарственных средств на основе
седативного сбора «Флегмен» 29

Sidametova Zaynab Enverovna

Development and standardization of medicinal products based on the
sedative herbal tea «Flegmen» 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

СИДАМЕТОВА ЗАЙНАБ ЭНВЕРОВНА

**«ФЛЕГМЕН» ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ЙИҒМАСИ АСОСИДА ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Far23. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Олимов Нemat Каюмович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тиллаева Гулнора Урунбаевна**
техника фанлари доктори, профессор

Матчанов Алимжон Давлатбоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Бобаев Исомиддин Давронович
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **А. С. Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» июль кuni тарқатилди.
(2022 йил «18» июль даги 36 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда неврология ва психиатрияда турли церебрастеник ва энцефалопатик касалликларга чалинган дунё аҳолисининг 30% дан ортиғи психотроп дори воситаларни қабул қилади. Шунинг учун тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар асосида токсик таъсири кам бўлган, янги истиқболли тинчлантирувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, фармакотерапевтик самарадорлигини исботлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда энг кенг тарқалгани депрессия ва ваҳима касалликларида қўллаш учун доривор ўсимлик хомашёси асосида тинчлантирувчи дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, сифатини баҳолаш, махсус фаоллигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада седатив таъсирга эга доривор ўсимликлар асосида йиғмаларни ишлаб чиқиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, дори турларини яратиш, уларнинг сифатини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳолига сифатли таъминлашни амалга ошириш, арзон ва самарадор дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш, стандартлашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика sanoati маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»¹ юзасидан долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, замонавий меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган янги тинчлантирувчи дори воситалари ва БФҚларни яратиш, уларнинг терапевтик фаоллигини таъминлаш, сифат меъёрларини талабларга мувофиқ белгилаш, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Тинчлантирувчи воситаларни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, фармакологик тадқиқотларни ўтказишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Texas at Austin, University of Pittsburgh, The University of Buffalo, Wayne State University, Pure Holding Compani, Inc (АҚШ), Seoul National University; Institute Of Oriental Medicine (Корея Республикаси), National Institute of Pharmaceutical Education and Research (Ҳиндистон), Goethe University Frankfurt, Johannes Gutenberg University of Mainz (Германия), University of East Anglia (Буюк Британия), Vita Green Health Products Compani Limited, Hebei Yiling Medicine Research Compani Limited, Shaanxi University of Chinese Medicine, (Хитой Халқ Республикаси), National University of Colombia, (Колумбия), Himalaya Global Holdings, LTD (Кайман Ороллари), И.М.Сеченов номидаги биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Россия Фанлар академиясининг Сибир филиали умумий ва экспериментал биология институти, Санкт-Петербург кимё-фармацевтика университети, Твер Давлат тиббиёт академияси, Пятигорск Давлат фармацевтика академиясида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликларни ўрганиш, уларнинг фармакологик ва биологик фаол бирикмаларини таҳлил қилиш, улар асосидаги дори воситаларни сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва стандартлаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: седатив таъсирга эга *Passiflora quadrangularis* ўсимлигининг баргларида флавоноидлар миқдори аниқланган (National University of Colombia, Колумбия); *Valeriana officinalis* L. таркибидаги иридоид ва лигнанларни миқдори ва уларни цитотоксик фаоллиги аниқланган (Shaanxi University of Chinese Medicine, Хитой Халқ Республикаси); уйқу бузилишида Хитой ўсимлик дори воситаларининг таъсири аниқланган (China Medical University, Хитой Халқ Республикаси), табиий ўсимлик материалларидан седатив таъсирга эга оптимал композиция ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академиясининг Сибир филиали умумий ва экспериментал биология институти, Россия Федерацияси); болалар амалиёти учун мўлжалланган седатив дори препаратлари ишлаб чиқилган ва

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content, www.scopus.com, www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, www.pubmed.com манбалар асосида қўриб чиқилган.

стандартланган (Санкт-Петербург кимё-фармацевтика университети, Россия Федерацияси); 3-сонли седатив йиғманинг янги сувли ва сув-спиртли экстрактларининг фармакологик хусусиятлари ва кимёвий таркиби қиёсий баҳоланган (Твер Давлат тиббиёт академияси, Россия Федерацияси); антистресс таъсирли кўп компонентли фитопрепаратлар стандартланган (Пятигорск Давлат фармацевтика академияси, Россия Федерацияси).

Дунёда марказий асаб тизими касалликларини даволашда қўлланиладиган доривор ўсимлик хомашёси асосида дори воситалар ва БФҚни яратиш ва стандартлаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: неврозларни даволашда қўлланиладиган комбинацияланган седатив препаратларни яратиш; фитопрепаратлар таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш учун аниқ ва сезгир таҳлил усулларида фойдаланиш; таҳлилнинг аналитик усуллари тасдиқлаш (валидация қилиш), клиник олдинги ва клиник тадқиқотларни ўтказиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан доривор седатив йиғмалардан олинган суюқ дори воситаларини яратиш, миқдорий ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тинчлантирувчи дориларни яратиш, уларни стандартлаш ишларини амалга ошириш, фармакологик текширувларни ўтказиш бўйича Yiling Wu, H. Huang, H. Chan Hei Ling, S.K.Mehta, D.O. Kennedy, C.F. Haskell, E. Saxena, D.Zhang, S.M. Echeverry, C.J.Chen, И.А. Самылина, Н.В. Лобанчикова, Т.Д. Киселева, Е.М. Сарычев, С.Л. Морохина, А.И. Марахова, А.А. Сорокина, М.Н. Быстрова, М.А. Демидова, С.Я. Шнеур, Т.И. Лапкина, О.А. Хассельхорст, Е.И. Саканян, Е.Е. Лесиовская, М.Н. Бистрова, М.А. Демидова, Б. Б. Лыгденова А. Ю. Албаков, Т.Г. Вознесенская, Р.Р. Алексеева, О. Е. Правдивцеванинг ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари аҳамиятга лойиқ.

Республикамизда бу йўналишни ривожлантиришда Т.П.Пўлатова, Х.У.Алиев, У.М. Азизов, Х.М.Комилов, Н.К.Олимов, каби олимларнинг илмий изланишлари алоҳида ўрин тутди. Улар доривор ўсимликлар асосида тинчлантирувчи дори воситалари яратиш ва уларни тиббиёт амалиётига жорий этиш бўйича кенг қамровли илмий изланишларини эътироф этиш лозим.

Мазкур диссертация иши седатив таъсирга эга бўлган кўп компонентли йиғма асосида дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва стандартлаштириш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини яратиш ва уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий-тадқиқот режасига ва ПЗ-2017091368 «Маҳаллий доривор ўсимликлар

йиғмаси асосида тинчлантирувчи «Флегмен» сиропини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. «Флегмен» седатив йиғмаси асосида дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчани стандартлаштириш, кейинчалик уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш учун тавсия қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- асаб тизими касалликларини даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликлардан олинган тинчлантирувчи дори воситаларини адабий таҳлил қилиш;

- йиғма асосида олинган суюқ дори шакллари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

- олинган тинчлантирувчи воситаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш;

- ўрганилаётган моддаларнинг аминокислоталар ва элементлар таркибини аниқлаш;

- тавсия этилган воситаларнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш ва ўзига хос фармакологик фаоллигини аниқлаш;

- маҳаллий хом ашё асосида олинган седатив таъсирга эга «Фитофлегмен» чойи - БФҚнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва сон кўрсаткичларини ўрганиш;

- олинган тинчлантирувчи воситаларни сақлаш вақтида барқарорлигини ўрганиш;

- олинган маълумотлар асосида суюқ экстракт ва унинг асосидаги сироп учун Вақтинчалик фармакопёя мақоласи лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ЎзР ССВ ҳзуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК га кўриб чиқиш учун киритиш ва тиббиёт амалиётида фойдаланиш учун рухсат олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар асосида олинган «Флегмен» суюқ экстракти, «Флегмен» сиропи, «Флегмен» настойкаси ва «Фитофлегмен» БФҚси олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги тинчлантирувчи суюқ шаклидаги дори воситаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, стандартлаштириш ва уларни тиббиёт амалиётига жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда кимёвий, физик-кимёвий (спектрофотометрик, масс-спектрометрик), замонавий инструментал (юқори самарали суюқлик хроматографияси) ва фармакологик усуллар ҳамда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликлар асосида илк бор мўътадил таркибли тинчлантирувчи препаратлар ишлаб чиқилган;

«Флегмен» йиғмасидан олинган суюқ экстракт, сироп ва настойканинг флавоноидлар, аминокислоталар, макро- ва микроэлементлар каби биологик фаол моддалари аниқланган;

суяқ экстракт ва сироп дори шакллари таркибидаги флавоноидларнинг миқдорий таҳлили учун юқори самарали суяқлик хроматография усули ишлаб чиқилган;

«Флегмен» йиғмасидан олинган суяқ экстракт, сироп ва настойка таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун спектрофотометрик усул ишлаб чиқилган;

суяқ экстракт ва сироп дори шакллари таркибидаги глицирризин кислота миқдорини аниқлаш учун юқори самарали суяқлик хроматографияси ишлаб чиқилган;

махаллий доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган «Фитофлегмен» БФҚ учун белгиланган сифат меъёрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Фитофлегмен» биологик фаол қўшимчанинг сифат меъёрлари белгиланди;

йиғма асосида олинган суяқ экстракт ва «Флегмен» сиропининг ўзига хос фаоллиги ва зарарсизлиги аниқланган;

«Флегмен» суяқ экстракти, сиропи ҳамда «Фитофлегмен» биологик фаол қўшимча учун меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган;

олинган дори воситаларининг сақлаш шароитлари ва яроқлилик муддати белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий кимёвий, технологик, статистик, фармакологик усуллар ва клиник синовлар натижалари асосида тасдиқланган. Тадқиқот натижалари тажриба саноат шароитида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терапевтик самарадорлиги юқори бўлган тинчлантирувчи таъсирга эга дори воситалари ва биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имкониятлари билан белгиланиб, уларнинг сифати юқори самарали суяқлик хроматографияси ҳамда спектрофотометрия усуллари ёрдамида назорат қилиш услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти «Флегмен» суяқ экстракти, сиропи ҳамда «Фитофлегмен» биологик фаол қўшимчанинг меъёрий ҳужжатлари тасдиқланганлиги, амалий тиббиётга татбиқ этилганлиги ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Ушбу БФҚ ва дори воситалар импорт ўрнини босувчи седатив воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Флегмен» тинчлантирувчи йиғмаси асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Флегмен» суяқ экстракти учун вақтинча фармакопоя мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (ВФМ 42

Ўз-4546-2021). Натижада, маҳаллий седатив дори воситаларнинг ассортименти кенгайтириш имконини берган;

«Флегмен» сиропи учун вақтинча фармакопоя мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (ВФМ 42 Ўз-4547-2021). Натижада, тинчлантирувчи таъсирга эга суюқ дори препаратларнинг ассортименти кенгайтириш имконини берган;

«Флегмен» суюқ экстракти (DV/M 03811/05/21) ва «Флегмен» сироп (DV/M 03812/05/21) тинчлантирувчи таъсирга эга дори воситаларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари олинган ва улар тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган. Натижада ушбу дори воситалари «SORB-ТЕН» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган;

«Фитофлегмен» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар (Ts 02026972-004:2022) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома тасдиқланган (ТИ 02026972-004:2022). Натижада «SORB-ТЕН» МЧЖ маҳаллий фармацевтика корхонасида тинчлантирувчи таъсирга эга фильтр пакетчали чойлар шаклидаги «Фитофлегмен» биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 халқаро ва 2 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, бундан 14 таси республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти ва предмети асослантирилган бўлиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; нашр этилган ишлар бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Седатив дори воситалари**» деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотларини ўрганиш, таҳлилий шарҳда иштирок этган фактик материаллар тизимлаштирилиб, умумлаштирилган, бу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида аниқ баёнотни шакллантиришга имкон берди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, диссертация тадқиқотининг вазифаси тинчлантирувчи йиғма асосида олинган янги дори воситаларини стандартлаштириш ва ишлаб чиқариш зарурлиги кўрсатилган.

«Экстрактив воситаларини таҳлил қилишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобда ишда қўлланилган асосий ва ёрдамчи моддалар, асбоблар, асбоб-ускуналар, физик-кимёвий таҳлил усуллари келтирилган.

Олинган маълумотларга кўра, «Флегмен» суюқ экстракти ва сиропи таркибида спектрофотометрик усулда флавоноидлар аниқланган. Юқори самарали суюқлик хроматография услуги ишлаб чиқилган ва препаратларнинг полифенолларни сифат ва миқдорий таркиби, шунингдек, суюқ седатив препаратларда глицеризин кислотаси ва рутинни миқдорий таркиби аниқланган.

Тадқиқ этилган препаратларни сифат таҳлили юпқа қатламли хроматография ва кимёвий аналитик реакциялар ёрдамида олиб борилган.

Диссертациянинг **«Флегмен» седатив суюқ экстрактини стандартлаштириш»** деб номланган учинчи бобида йиғма асосида доривор шаклини олишга оид маълумотлар, биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини ва миқдорини аниқлаш бўйича экспериментал маълумотларни тўплаш ва муҳокама қилиш асосида суюқ экстрактнинг аминокислоталари, элемент ва полифенол таркиби, шунингдек, табиий сақлаш вақтида барқарорлигини аниқлаш натижалари келтирилган.

Аввало, суюқ экстракт кўринишидаги янги дорилар шакли ишлаб чиқилди ва олинди, унинг биологик фаол моддаларини сифат ва миқдорий таркиби аниқланди.

Янги седатив дориларнинг технологик хоссалари ва сифат таркибини ўрганиш.

Қуйидаги компонентлардан ташкил топган йиғма асосида: Регел қўзиқулоғи ўти - 30 қисм; туркистон арслонқуйруғи ўти - 30 қисм, қизилмия илдизи - 20 қисм ва ялпиз барглари - 20 қисм асосида қуйидаги дори шакллари олинди: суюқ экстракт (1:1), унинг асосида сироп ва настойка. Суюқ экстракт экстрагент сифатида 70% этанолдан фойдаланган ҳолда касрли мацерация йўли билан олинган. Сон кўрсаткичлар ва унинг кўриниши ДФ ХІ нашри талабларига мувофиқ аниқланди. Сифатни баҳолаш мақсадида асосий биоактив компонентлар учун сифат реакциялари ўтказилди.

Флавоноидларни миқдорини аниқлаш учун алюминий хлорид билан комплекс ҳосил қилиш реакциясига асосланган спектрофотометрик услуги ишлаб чиқилди. Услуги ишлаб чиқиш жараёнида стандартни танлаш ва комплекс шакллантириш шартлари асослаб берилди.

Флавоноидлар таркибини миқдорий аниқлаш ва уни статистик қайта ишлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**«Флегмен» суюқ экстрактидаги флавоноидлар таркибини миқдорий
аниқлаш натижаларини статистик қайта ишлаш**

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	F	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
1.	0,3455	0,3464	4	0,0000007125	0,00084	0,0234	0,64	0,3
2.	0,3459							
3.	0,3467							
4.	0,3469							
5.	0,3472							

1-жадвалдан кўришиб турибдики, «Флегмен» суюқ экстрактидаги флавоноидларнинг миқдори 0,3455-0,3472% гача.

Суюқ экстрактдаги флавоноидларнинг миқдори 0,3455-0,34727% гачани ташкил қилади. Олинган маълумотларга асосланиб, суюқ экстрактидаги таркиб меъёри камида 0,2% қилиб белгиланди.

2-жадвалда «Флегмен» суюқ экстракти сифатини тартибга солувчи сон кўрсаткичларнинг белгиланган меъёрлари жамланган.


Флегмен суюқ экстрактининг сон кўрсаткичлари, %

№	Кўрсаткичлар	Усуллар	Меъёрлар
1	2	3	4
1.	Тавсифи	XI -ДФ	Яшил тусли тўқ жигарранг тиник, ўзига хос хидли ва озгина куйдирадиган, сўнг музлатадиган таъмга эга суюқлик
2.	Чинлиги:	кимёвий	Препаратга алюминий хлориднинг 96% этил спиртидаги эритмаси ва 95% этил спирти кўшилганида яшил-сарик ранг ҳосил бўлади
	Флавоноидлар		
	Ментол	ТСХ	Концентрланган сульфат кислотасидаги ванилин эритмаси пуркалганидан сўнг хроматограмманинг ментол эритмаси нукта даражасида қизил-бинафша рангли доғ ҳосил бўлади
	Сапонинлар ва глициризин кислотаси	ТСХ	Концентрланган сульфат кислотасидаги ванилин эритмаси пуркалганидан сўнг сарик рангли доғ ҳосил бўлади
3.	Оғир металллар	XI -ДФ	0,01% дан кўп эмас
4.	Спирт	XI -ДФ	50% дан кам эмас
5.	Қуруқ қолдиқ	XI -ДФ	5,3% дан кам эмас
6.	Қадоқ идишни тўлдириш ҳажми	Тармоқ стандарти	50 мл дан 100 мл гача бўлган қадоқлаш учун рухсат этилган ҳажмдан четланиш $\pm 3\%$ ни ташкил этади
7.	Микробиологик тозалиги	XI -ДФ	Мос келади
8.	Миқдорий таҳлил	СФ	0,2 % кам эмас
9.	Қадоқлаш	Вақтинчалик Фармакопея мақоласи бўйича	
10.	Ёрлиқлаш	Вақтинчалик Фармакопея мақоласи бўйича	
11.	Ташиш	Давлат стандарти (ГОСТ) 17768-90Е бўйича	
12.	Сақланиши	Қуёш нуридан ҳимояланган жойда, 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда сақланиши керак.	
13.	Сақлаш муддати	2 йил	

аниқланди. Ушбу бирикмаларнинг суюқ экстрактида аниқланиши асосий фаол моддаларнинг экстракцияси тўлиқлигини кўрсатади, бу эса экстракция технологиясининг тўғри танланганлигини таакидлаш жоизлигини кўрсатади.

«Флегмен» суюқ экстрактида аниқланган моддаларнинг аксарияти фенолли моддалардир.

Биологик фаол моддаларни, шу жумладан аминокислоталарни олиш манбаларидан бири ўсимлик хом ашёсидир. Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, ўсимликдан олинган биологик фаол моддалар синтетик бирикмалардан ўсимликларда организм томонидан осон сўриладиган комплекслар шаклида ва биологик осон ўзлаштириладиган концентрацияларда сақланиши билан фарқ қилади. Шу муносабат билан, биз ушбу ишда ўрганаётган янги дори воситаси «Флегмен» суюқ экстрактини олиш учун ишлатиладиган доривор ўсимлик хомашёсининг биологик фаол моддалари бундан мустасно эмас. «Флегмен» суюқ экстрактидаги эркин аминокислоталар тескари фазали ЮССХ усули ёрдамида таҳлил қилинди.



2-расм. «Флегмен» суюқ экстракти эркин аминокислоталарининг хроматограммаси

1 - аспарагин кислотаси, 2 - глутамин кислотаси, 3 – аспарагин, 4 - серин, 5 - глутамин, 6 - гистидин, 7 - треонин, 8 - глицин, 9 - аргинин, 10 - аланин, 11 - триптофан, 12 - метионин, 13 - аммиак, 14 - тирозин, 15 - валин, 16 - фенилаланин, 17 - изолейцин, 18 - лейцин, 19 - лизин

Хроматография “Chemstation 09.03.a” дастури буйича, насос ва УВ детекторли Agilent technologies (АҚШ) фирмасининг “Agilent 1200 series” русумли юқори самарали суюқлик хроматографида амалга оширилди. Ажратиш Zorbax XDB-C-18 сорбент билан тўлдирилган 0,46x25 см (4,6x250 мм) ўлчамли колонкада олиб борилди. Кўзгалувчи фаза сифатида концентрацияси 2,72 г/л ва рН 6,4 бўлган, натрий ацетат эритмаси ишлатилган, унда 0,5% тетрагидрофуран (ТГФ) - А эритмаси ва концентрацияси 2,72 г/л ва рН 6,4 бўлган натрий ацетат эритмаси, 80% ацетонитрил ва метанол аралашмасини (1:1) ўз ичига олган эритма Б. Аниқлаш 338 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди. Хроматография профили 338 нм ва 360 нм тўлқин узунлигида (пролин ва гистидин учун) да кузатилди. Элюент оқими тезлиги 0,7 мл/мин. Колонкага юборилган

намунанинг ҳажми 20µл. Хроматография ҳарорати (колонка термостати) 40°C.

Хроматографик тизимнинг яроқлилиги хроматографик колонканинг самарадорлиги, чўққиларнинг ажралиш даражаси ва нисбий стандарт оғиш билан текширилди. «Флегмен» суюқ экстракти эркин аминокислоталарининг хроматограммаси III параграфда келтирилган.

Текширилаётган препаратда мавжуд бўлган аминокислоталарни чинлигини ва миқдорини аниқлаш хроматограммадаги стандарт аминокислоталарнинг ушланиш вақтлари ва энг юқори нуқталарини текшириш препаратининг аминокислоталари билан солиштириш орқали амалга оширилди. Текшириш намунаси ва стандарт аралашманинг аминокислоталари олинган хроматограммаларини таҳлил қилиш «Флегмен» суюқ экстрактида бир нечта аминокислоталар мавжудлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларига кўра, «Флегмен» суюқ экстрактида 18 та аминокислоталар мавжуд. Бу ўрганилаётган суюқ экстрактидаги аминокислоталар йиғиндисининг юқори биологик қийматини кўрсатади. «Флегмен» суюқ экстракти таркибидаги аниқланган аминокислоталар орасидаги 8 таси муҳим аминокислоталар, 10 таси эса алмашиладиганлиги аниқланди. Тўпламдаги аминокислоталар орасида марказий асаб тизимининг касалликларини даволашда ишлатиладиган глутамин кислота устунлик қилади. Бундан келиб чиқадики, ўрганилаётган суюқ экстрактининг аминокислоталари суюқ экстрактининг фармакологик фаоллигининг намоён бўлишида иштирок этиши мумкин.

Микро ва макро элементлар метаболик жараёнларни бошқаради, характерли биоэлектрик потенциалларни сақлаб, ҳужайралар ва тўқималарнинг физик ва кимёвий яхлитлигини сақлайди. Ҳаёт учун зарур бўлган ферментатив жараёнларнинг фаоллигида асосий рол ўйнайдиган микроэлементлардир. Шунинг учун уларнинг етишмаслиги ва ортиқча бўлиши дарҳол инсон саломатлигига таъсир қилади. Чуқурроқ таҳлил қилиш учун «Флегмен» суюқ экстрактининг элемент таркиби ўрганилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, «Флегмен» суюқ экстракти таркибида 39 та элемент мавжуд. Булар: Li, Be, B, Na, Mg, Al, P, S, Cl, K, Ca, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co, Ni, Cu, Zn, As, Se, Br, Sr, Mo, Ag, Cd, Sn, Sb, Te, I, Ba, W, Os, Hg, Tl, Pb, Bi, U. Бу элементлардан ионлар ҳолида ҳужайра таркибига кирувчи калций, магний, калий, натрий ва хлор ҳаётий аҳамиятга эга. Рўйхатда келтирилган элементлар макроэлементлар гуруҳига киритилган. Суюқ экстрактдаги макроэлементларнинг энг катта миқдорини хлор, фосфор, бром, натрий, хром, титан, цинк ташкил қилади.

«Флегмен» суюқ экстрактидаги оғир металлларнинг Pb ва Cd миқдори руҳсат этилган миқдордан ошмайди (СанПиН 2.3.2.1078-01.).

«Флегмен» суюқ экстрактини амалга ошириш истиқболларини ўрганиш учун биз истеъмолчиларнинг седативларга бўлган муносабатини аниқлаш учун таҳлил ўтказдик.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган СДВ диапазони ушбу фармакотерапевтик гуруҳ бўйича рўйхатга олиш маълумотларининг контент-таҳлили ёрдамида ўрганилди (АТС коди – №5С). 2020-йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори воситаларининг ассортиментини таҳлили шуни кўрсатдики, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 46 та дори воситаси рўйхатга олинган бўлиб, улардан 31 таси суяқ дори воситалари шакллари (настойкалар, томчилар, эритмалар ва сироплар) кўринишидаги дори воситалари, қаттиқ дори воситалари шаклидаги 9 та дори (капсула, куруқ экстракт ва таблеткалар) ва 6 та доривор ўсимлик хом ашёсидир.

Айтиш мумкинки, ушбу дорилар гуруҳи, умуман олганда, нисбатан арзон маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг эскирган номенклатурасига эга. Кўп миқдордаги дори-дармонлар - 27 таси настойкалар шаклида таклиф этилган, шунингдек қадоқланган доривор хом ашё шаклида - 7 та. Минимал миқдор сиропларга берилди - 2 та. Бу ассортиментни замонавий тайёр дори воситалари ҳисобига хилма-хил қилиш зарурлигини талаб қилади.

Маҳаллий фармацевтика бозорини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қаттиқ дори воситалари шакллари суяқ шаклларга нисбатан устунлик қилади, сироплар охириги ўринни эгаллайди. Шунга кура, суяқ экстракт асосида седатив таъсирга эга сироп ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**«Флегмен» сиропини стандартлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида сиропнинг сон кўрсаткичлари ва ташқи кўриниши ДФ XI нашри талабларига мувофиқлиги аниқланган.

Сиропнинг сифатини баҳолаш учун асосий биоактив компонентлар учун сифат реакциялари ўтказилган ва қоғоз хроматографияси ҳамда юпка қатламли хроматография услублари ёрдамида флавоноидлар мавжудлиги аниқланган.

Биологик фаол моддаларни аниқлашнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқиш доривор ўсимликларни ўрганишнинг зарурий шартидир.

Дори воситаларини хилма-хил таҳлил қилиш усуллари орасида УВ спектрофотометрик усули ажралиб туради ва тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, унинг бу қўлланилиши таҳлилга сарфланадиган вақт ва моддалар миқдорининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келиши билан боғлиқ, бундан ташқари, у юқори аниқлик ва ишончлилиги билан тавсифланади. УВ спектрофотометрик усули доривор хом ашё ва препаратлардаги флавоноидларни стандартлаштириш учун катта имкониятларга эга.

«Флегмен» сиропидаги флавоноидларнинг миқдорий таркиби УВ спектрофотометрик усул ёрдамида, Давлат стандарт намунаси (ДСН) рутин нуқтаи назаридан ўтказилди. Тавсия этилган усул флавоноидлар йиғиндисининг 5%-AlCl₃ эритмаси билан реакциясига, сўнгра 408 нм тўлқин узунлигида аниқлашга асосланган.

Ўтказилган флавоноидларини миқдорини статистик ишлаб чиқиш таҳлили натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**«Флегмен» сиропини флавоноидларини миқдорини аниқлаш
натижаларини статистик ишлаб чиқиш**

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	f	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
1.	0,0545	0,0545	4	0,000000015	0,000122	0,00034	0,62	0,27
2.	0,0545							
3.	0,0546							
4.	0,0546							
5.	0,0547							

Жадвалдан кўриниб турибдики, «Флегмен» сиропидаги флавоноидларнинг миқдори 0,0545-0,0547% гачани ташкил қилади. Олинган маълумотларга асосланиб, сиропдаги флавоноидлар таркибининг меъёри камида 0,03% ни ташкил қилади.

Таҳлил натижасида «Флегмен» сиропи сифатини тартибга солувчи сон кўрсаткичлар нормалари ўрнатилди (4-жадвал).

4-жадвал

«Флегмен» сиропининг сон кўрсаткичлари,%

№	Кўрсаткичлар	Усуллар	Меъёрлар
1	2	3	4
1.	Тавсифи	Кўз билан, ЎзР ДФ	Оч жигарранг, ўзига хос ҳидли, ширин ва озгина музлатадиган таъмга эга қуюқ суюқлик
2.	Чинлиги: - Спирт - Қанд - Флавоноидлар - Ментол - Сапонинлар	Кимёвий реакциялар	а) ҳайдалган суюқликка натрий гидроксид ва йод эритмалари қўшилганида йодоформ хиди сезилади. б) кобальт нитрат ва натрий гидроксид эритмалари қўшилганида бинафша ранг ҳосил бўлади. в) Препаратга алюминий хлориднинг 96% этил спиртидаги эритмаси ва 95% этил спирти қўшилганида яшил-сарик ранг ҳосил бўлади г) Концентрланган сульфат кислотасидаги ванилин эритмаси пуркалганидан сўнг хроматограмманинг ментол эритмаси нуқта даражасида қизил-бинафша рангли доғ ҳосил бўлади д) Концентрланган сульфат кислотасидаги ванилин эритмаси пуркалганидан сўнг (сарик рангли доғ)
3.	pH	ЎзР ДФ	4,5 дан 6,0 гача
4.	Қадоқ идишни тўлдириш ҳажми	ЎзР ДФ	50 мл бўлган қадоқлаш учун рухсат этилган ҳажмдан четланиш $\pm 3\%$ ни ташкил этади
5.	Куруқ қолдиқ	ЎзР ДФ	50% дан кам эмас
6.	Спирт	ЎзР ДФ	5% дан кам эмас
7.	Зичлиги	ЎзР ДФ	1,100 г/см ³ дан 1,300 г/см ³ гача
8.	Оғир металлар	ЎзР ДФ	0,001% дан кўп эмас
9.	Микробиологик тозаллиги	ЎзР ДФ	Мос келади


10.	Микдорий таҳлил	ЎзР ДФ	0,03% дан кам эмас
11.	Қадоқлаш	Вақтинчалик Фармакопея мақоласи бўйича	
12.	Ёрлиқлаш	Вақтинчалик Фармакопея мақоласи бўйича	
13.	Ташиш	Давлат стандарти (ГОСТ) 17768-90Е бўйича	
14.	Сақланиши	Қуёш нуридан ҳимояланган жойда, 25 °С юқори бўлмаган ҳароратда сақланиши керак. Сақлаш даври мобайнида чўкма ҳосил бўлиши мумкин	
15.	Сақлаш муддати	2 йил	

Доривор ўсимлик материаллари асосида тайёрланадиган дори воситаларига қўйиладиган асосий талаблардан бири уларни сақлаш шароитлари ва яроқлилиқ муддатини белгилаш ҳисобланади.

«Флегмен» сиропи таркибидаги фенолли бирикмаларни аниқлаш аралашма компонентлари ва эталон эритмаларнинг сақланиш вақтларини солиштириш орқали амалга оширилди. Олинган натижаларни таҳлил қилиб, сироп таркибида фенолли бирикмалар билан боғлиқ биологик фаол моддалар мавжудлигини таъкидлаш мумкин.

«Флегмен» сиропининг полифенол таркибини аниқлаш учун ЮҚСХ усули қўлланилди, натижада лутеолин 7-гиперозиднинг микдорий таркиби аниқланди ва у - 0,031%, галлий кислотаси - 0,049%, винил кислотаси - 0,020%, кверцетин - 0,030%, скутеларин (реверс) - 0,020%, скутеларин - 0,030% ка. 0,028%, гиперозид - 0,041%, рутин - 0,029%, синнамик кислота - 0,020%, вератрик кислота - 0,019%, авикулярин - 0,032%, витамин С - 0,034%, лютеолин - 0,036%, анис кислотаси -0,036%, пара-оксибензоик кислотаси -0,020%ни ташкил этади.

«Флегмен» сиропининг аминокислоталарини ва маълум концентрацияли аминокислоталарнинг стандарт аралашмасини хроматографияси шу каби шароитларда кетма-кет амалга оширилди. Суюқ экстракти «Флегмен» аминокислоталарининг хроматографик таҳлиллари натижалари 3-расмда келтирилган. Текширилаётган намуна ва стандарт аралашманинг аминокислоталарининг олинган хроматограммаларини таҳлил қилиш «Флегмен» сиропида бир нечта аминокислоталар мавжудлигини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, «Флегмен» сиропи таркибида 18 та аминокислота мавжуд. Улар орасида «Флегмен» суюқ экстракти таркибида 8 таси муҳим аминокислоталар, яъни треонин, метеонин, тирозин, валин, фенилаланин, изолейцин, лейцин, лизин HCl борлиги аниқланган бўлиб, уларнинг 10 таси ўзаро алмашинувчандир.



3-расм. «Флегмен» сиропининг эркин аминокислоталарини хроматограммаси

1 - аспарагин кислотаси, 2 – глутамин кислотаси, 3 –аланин, 4 – глутамин, 5 – треонин, 6 – валин, 7 –тирозин, 8 –глицин, 9 –аргинин, 10 – аспарагин, 11 –метионин, 12 –триптофан, 13 – гистидин, 14-лизин, 15 – фенилаланин, 16 – изолейцин, 17-лейцин, 18 –серин

Сироп таркибидаги аминокислоталар миқдорий таркиби бўйича қуйидаги тартибда жойлашади: Glu>Lis>Arg>Gly>Met>Ala>Thr>Phe>Asp>Trp>Val>Gln>Tyr>Ile>Leu>Ser>Asn>His. Таҳлил натижаларига кўра, сиропдаги кўп миқдордаги глутамин кислота, глицин, триптофан унинг седатив фармакологик фаоллигини аниқлайди деган хулосага келиш мумкин.


Элементар таркиби жуда сезгир кўп элементли таҳлил усули–индуктив плазма (ИСП - МС) билан боғланган масс-спектрал таҳлил ёрдамида аниқланди. Таҳлил натижасида сиропда 57 минерал элементлари мавжудлигини аниқлади. Олинган натижаларга кўра 100 дан 1000 мг/кг гача концентрацияларда 2 та элемент (Br и K) бўлиб, 10 дан 100 мг/кг гача 2 та элемент (Na и Mg), 1 дан 10 мг/кг гача 2 та элемент (P и Fe) ва 1 мг/кгдан паст 51 элементлардир (Fe, Zn, B, Cr, Al, I, Sr, Mn, Cu, Ca, Sc, Ba, Mo, Ni, Li, V, Se, Sb, Zr, Sn, Nb, As, Co, Ga, Ag, Cd, Ta, Cs, Te, W, Tl, Bi, Re, Nd, Ce, Pb, Hf, Y, Gd, In, Sm, La, Er, Eu, Dy, Pr, Lu, Ho, Tm, Au, Hg, Pt).).

Аниқланган элементлар таркибининг пасайиш даражасига кўра қуйидаги қатор шаклида ифодаланиши мумкин: Br> K> Na > Mg >P >Fe >Zn >B >Cr > Al> I>Sr > Mn = Cu> Ca >Sc >Ba>Mo> >Ni >Li >V >Se >Sb >Zr >Sn > Nb > As > Co > Ga >Ag>Cd= Ta> Cs> Te > W > Tl > Bi, >Re >Nd= Ce > Pb > Hf > Y > Gd=In >Sm> La > Er >Eu > Dy > Pr >Lu > Ho >Tm > Au > Hg=P.


«Флегмен» суюқ экстрактидаги оғир металлларнинг Pb ва Cd таркиби рухсат этилган чегаралардан ошмайди (СанПин 2.3.2.1078-01.). Олинган маълумотлар сиропнинг элемент таркиби жуда хилма-хил ва шунга мос равишда мураккаб таъсирга эга бўлиши мумкин деган хулосага келишимизга имкон беради. «Флегмен» ишлаб чиқилган седатив йиғма дориларининг яроқлилик муддатини ўрганиш учун биз сақлаш пайтида барқарорлик бўйича тадқиқотлар ўтказдик. «Флегмен» суюқ экстракти ва сиропининг яроқлилик муддати 2 йил эканлиги аниқланди.

Диссертация ишининг «Суюқ седатив препаратлардаги глицирризин кислотаси ва рутиннинг микдори» деб номланган бешинчи бобида «Флегмен» суюқ экстракти ва сиропи таркибидаги глицирризин кислота ва рутинни микдорий аниқлашга оид тадқиқотлар келтирилган. Шу муносабат билан «Флегмен» суюқ экстракти ва сиропи таркибидаги глицирризин кислотаси ва рутин микдорини аниқлаш учун юқори самарали суюқлик хроматографи – автодозаторли Agilent 1200 Infinity (АҚШ) асбобидан фойдаланилди.

«Флегмен» суюқ экстракти ва глицирризин кислотаси стандарт намунасининг хроматограммаси 4, 5-расмларда келтирилган.



4-расм. Глицирризин кислотаси стандарт намунасининг хроматограммаси



5-расм. «Флегмен» суюқ экстрактининг хроматограммаси

Суюқ экстрактини таҳлили натижаларини статистик ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


«Флегмен» суюқ экстрактидаги глицирризин кислотасини микдорини аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	F	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
1.	0,232	0,233	4	0,000009	0,003	0,00834	3,5	1,5
2.	0,236							
3.	0,234							
4.	0,229							
5.	0,236							

Статистик ишлов бериш шуни кўрсатдики, глицирризин кислотанинг «Флегмен» суюқ экстрактидаги микдорий таркиби ЮССХ ёрдамида 0,003%

стандарт оғиш ва 0,01% ишонч даражаси билан аниқланган. Бундай ҳолда, μ $0,239 \geq \mu \geq 0,228\%$ ҳақиқий қийматни ўлчашда нисбий хатолик 1,5% ни ташкил қилади. «Флегмен» суюқ экстрактида глицеризин кислотасининг ўртача миқдори 0,233% ни ташкил этди.

«Флегмен» суюқ экстрактида глицеризин кислотасининг миқдори ва статистик қайта ишлаш натижалари 6-расм ва 6-жадвалда келтирилган.



6-расм. «Флегмен» сиропининг хроматограммаси

6-жадвал


«Флегмен» сиропидаги глицеризин кислотасини миқдорини аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	f	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\epsilon_1 \%$	$\epsilon \%$
1.	0,021	0,022	4	0,0000000075	0,000086	0,000106	1,1	0,5
2.	0,021							
3.	0,022							
4.	0,022							
5.	0,022							


«Флегмен» сиропи таркибидаги глицеризин кислотасини миқдорини аниқлаш ва уларни статистик қайта ишлаш натижасида ГКнинг миқдори 0,01% ишончлилик даражасида аниқланганлигини кўрсатди. Бундай ҳолда, μ $0,023 \geq \mu \geq 0,021\%$ ҳақиқий қийматини ўлчашда нисбий хатолик 0,5% ни ташкил этди. Сироп таркибидаги ГК нинг ўртача миқдори 0,022% ни ташкил этди.

Кейинчалик, «Флегмен» суюқ экстракти ва сиропи таркибидаги рутинни миқдорий аниқлаш ЮССХ ёрдамида амалга оширилди. Рутиннинг миқдори стандарт рутин намунасининг чўққиси майдонига нисбатан аниқланган. Олинган маълумотлар 7-жадвалда кўрсатилган.

Рутиннинг стандарт намунаси ва «Флегмен» суюқ экстрактининг хроматограммаси 7- ва 8-расмда кўрсатилган.



7-расм. Рутинни стандарт намунасининг хроматограммаси



8-расм. «Флегмен» суюқ экстрактининг хроматограммаси

«Флегмен» суюқ экстрактидаги рутинни аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар 7-жадвалда келтирилган. «Флегмен» сиропининг олинган маълумотлари ўртача ва статистик қайта ишланди.


7-жадвал

«Флегмен» суюқ экстрактидаги рутинни миқдорини аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	f	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
1.	0,211	0,211	4	0,0000025	0,00158	0,00439	2,08	0,9
2.	0,213							
3.	0,209							
4.	0,210							
5.	0,212							

Статистик ишлов бериш шуни кўрсатдики, рутиннинг «Флегмен» суюқ экстрактидаги миқдори ЮССХ усули ёрдамида 0,002% стандарт оғиш ва 0,01% ишонч даражаси билан аниқланган. Бунда, $\mu_{ни} 0,214 \geq \mu \geq 0,208\%$ ҳақиқий қийматини ўлчада нисбий хатолик 0,9% ни ташкил қилади. «Флегмен» суюқ экстрактида рутиннинг ўртача миқдори 0,211% ни ташкил этди.

Кейинчалик, «Флегмен» сиропи таркибидаги рутиннинг миқдори аниқланди. «Флегмен» сиропининг хроматограммаси 9-расмда кўрсатилган.



9-расм. «Флегмен» сиропининг хроматограммаси

«Флегмен» сиропидаги рутинни аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар 8-жадвалда келтирилган. «Флегмен» сиропининг олинган маълумотлари ўртача ҳисобланган ва статистик ишлов берилган.

8-жадвал

«Флегмен» сиропидаги рутинни миқдорини аниқлаш натижаларини статистик ишлаб чиқиш

№	$X_i, \%$	$\bar{X}, \%$	f	S^2	S	$\Delta \bar{X}$	$\varepsilon_1 \%$	$\varepsilon \%$
1.	0,031	0,031	4	0,0000005	0,00070	0,00196	6,32	2,8
2.	0,031							
3.	0,032							
4.	0,031							
5.	0,032							

Статистик ишлов бериш шуни кўрсатдики, рутиннинг «Флегмен» сиропидаги миқдори 0,01% ишонч даражаси билан аниқланган. Бунда, μ ни $0,032 \geq \mu \geq 0,030\%$ ҳақиқий қийматини ўлчашда нисбий хатолик 2,8% ни ташкил қилади. «Флегмен» сиропида рутиннинг ўртача миқдори 0,031% ни ташкил этди.

««Флегмен» седатив настойкасини стандартлаштириш» деб номланган олтинчи бобда илк бор биологик фаол моддаларнинг энг тўлиқ комплексини ўз ичига олган 4 компонентли тинчлантирувчи йиғмадан олинган настойкадаги флавоноидларнинг сон кўрсаткичлари ва миқдорини аниқлаш усули ўрганилди ва седатив фаолликка эга бўлган воситалар ишлаб чиқилди.


Седатив таъсир биологик фаол моддалар, яъни флавоноидлар, сапонинлар мажмуасига боғлиқ. «Флегмен» седатив настойкасини перколяция усули ёрдамида олинган. Экстрагент сифатида 70% этил спирти ишлатилган. Препаратнинг ташқи кўриниши ва сон кўрсаткичлари ХI Давлат Фармакопея талабларига мувофиқ аниқланди. «Флегмен» йиғмасидан олинган настойка тиниқ, яшил тусдаги тўқ жигар рангли, ўзига хос хидли, бир оз аччиқ, совуқ таъмга эга суюқлик бўлиб, унинг сон кўрсаткичлари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал


«Флегмен» седатив настойкасининг сон кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Норматив-техник ҳужжат бўйича меъёрлар
1.	Тавсифи	Тиниқ, яшил тусдаги тўқ жигар рангли, ўзига хос хидли, бир оз аччиқ, совуқ таъмга эга қуюқ эритма
2.	Чинлиги	Кимёвий, ЮҚХ
3.	Оғир металллар	0,001% дан кўп эмас
4.	Спирт	5% дан кам эмас
5.	Зичлиги	1,1 г/см ³ дан 1,3 г/см ³
6.	Қуруқ қолдиқ	4% дан кам эмас
7.	Миқдорий таҳлил	0,10% фоиздан кам эмас
8.	Сақлаш муддати	2 йил

